



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2013-yil, 17-oktabr. Payshanba • 124 (31.714)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Президент Латвияга жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшининг таклифига биноан 2013 йил 16 октябрь куни давлат ташрифи билан Латвияга жўнаб кетди.

Учрашувлар ва музокара-лар чоғида Латвия раҳбарияти билан Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантириш масалалари, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг

Кўшма баёноти қабул қилиниши, сиёсий, савдо-инвестиция, транспорт-коммуникация соҳалари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

ЎЗА



Ўзбекистон Президенти Рига шахрига келди

Рига, 16 октябрь. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшининг таклифига биноан 16 октябрь куни давлат ташрифи билан Латвияга келди.

Рига халқаро аэропортида Ўзбекистон Президенти шарафига икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қорувул саф тортди.

Мунтазамлик касб этган Ўзбекистон — Латвия сиёсий мулоқотлари доирасида ўтаётган ушбу ташриф икки давлат раҳбарларининг ўзаро муносабатларининг бугунги ҳолатини атрафлича муҳокама қилиши ва узок муддатли асосдаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаши, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиши учун яхши имкониятдир.

Давлат ташрифи дасту-

рига мувофиқ унинг асосий тадбирлари 17 октябрга мўлжалланган.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Латвия Президенти Андрис Берзиньш, Латвия Сейми Спикери Солвита Аболтина, Бош вазир Валдис Домбровскис билан учрашув ва музокара-лар ўтказди.

Аввал хабар қилинганидек, ташриф якунида давлат раҳбарларининг Кўшма баёноти қабул қилиниши, Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги серқирра муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган кўплаб ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик саноатининг жаҳон бозоридаги ўрни янада мустаҳкамланмоқда

Пойтахтимизда 16 октябрь куни Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бошланди



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўтказиб келинаётган анъанавий Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси мамлакатимиз иқтисодиётининг юксак рақобатбардошлиги ҳамда улкан салоҳиятини ёрқин намойиш этишга хизмат қилмоқда. Жорий йилда тўққизинчи марта ўтказилаётган ушбу ярмарка йирик халқаро иқтисодий форумлардан биридир.

3

Жамоатчилик қабулхонасига

мурожаат қилган ЭДИМ

2012 йил иқтисодиёт коллежини тугатдим. Очиғи, мутахассислигим бўйича иш топишда қийналдим.

Ёрдам сўраб, ЎЗХДП Асака туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдим. Партия фаоллари туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мутасаддилари билан маслаҳатлашди. Корхона ва ташкилотлардан бўш

иш ўринлари ҳақида охириги маълумотларни олиб, ўзимга мос иш топишга кўмаклашишди. Ҳозир «Қипчоқ кўёши» фермер хўжалигида ишлаяпман.

Нортой ЭГАМБЕРДИЕВ,
Андижон вилояти,
Асака тумани.

4

ЁШЛАР

ишончни оқлашди



4

Тинчликни асраш

барчамиздан катта масъулият талаб этади

Тинч ва осойишта жойда қут-барақа бўлади, инсон ўз эзгу орзуларига эришади. Афсуски, бугунги нотинч дунёда тинчликни асраш ва мустаҳкамлаш анча мурраккаб вазифага айланиб бормоқда.

Президентимизнинг «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик кенгаши» номли рисоласида бугунги ва эртанги тараққиётимиз учун низоҳатда долзарб бўлган тинчликни асраш, мустаҳкамлаш масалаларида қимматли фикрлар билдирилган.

ЎЗХДП «Фаол аёллар» қаноти

2

Ҳуқуқий эксперимент

Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 30-модда.

Ахборот олиш эркинлиги кенгаймоқда

Бу фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ошишига хизмат қилади

Ахборот олиш ҳуқуқи ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлатнинг фундаментал асосини ташкил этади. Давлат ҳокимияти ва

бошқаруви органлари фаолияти юзасидан ахборотга эга бўлиш кишиларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинлигини рўёбга чиқариш, манфаатларини таъминлашга, давлат ҳамда жамият бошқарувида иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилади. Жисмоний ва юридик шахслар давлат ҳокимияти ҳамда бош-

қаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ҳеч қандай монеликсиз олиши, улар фаолияти устидан жамоатчилик назорати самарали амалга оширилишига хизмат қилади.

2

Ўзбекистон Халқ демократик партияси

аъзоларининг **31** фоизи, яъни қарийб **116** минг нафари ёшлардир. 2006 йилдан буён партияда «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолият кўрсатиб келмоқда. Қанотнинг катта лойиҳаларидан бири «Ёш сиёсатчи» кўрик танловидир. Дастлабки йиллар танловда мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларидан **4** минг нафарга яқин йигит-қиз иштирок этган бўлса, бу йил уларнинг сони **11700** дан ошди.

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг

Жамиятнинг етакчи кучи

Ундан оқилона фойдаланиш
партиямиз мақсадларини
рўёбга чиқаришга
хизмат қилади



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Газетамизнинг келгуси сонларидан бирида Бюджет кодекси лойиҳаси юзасидан ЎЗХДП фракциясининг нуқтани назари ифодаланган мақолани эълон қиламиз.

Ахборот олиш эркинлиги кенгаймоқда

Бу фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилади

Хукукий эксперимент

Маълумки, Бухоро ҳамда Самарқанд вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси синови бўйича хукукий эксперимент ўтказилаёпти. Қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзлари қабул қилган қарорлар юзасидан масъулиятини ошириш, фаолияти тўғрисидаги ахборотдан юридик ва жисмоний шахслар кенг фойдалана олишларини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш шакллари кенгайтириш каби асосий вазифалар белгиланган. Бу Конституциямизнинг 30-моддасида мустақамлаб қўйилганидек, яъни барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансбдор шахсларнинг фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериш мажбуриятдан келиб чиқади. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳасида белгиланган вазифалар Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларига ҳамохандир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши хукукий эксперимент ўтказиётган вилоятларда партиянинг фаоллари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг қонун лойиҳаси синовида фаол иштирокини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Давлат органлари фаолияти ҳақида энг тезкор ва батафсил маълумот тақдим этиш манбаларидан бири расмий

(Давоми. Боши 1-бетда.)

веб-сайтлар ҳисобланади. Қонун лойиҳаси талабларидан келиб чиқиб, расмий веб-сайтларда жойлаштирилган ахборотлар барча фуқаролар, жумладан, ЎзХДП электрорати учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти бўйича ахборот сўраб мурожаат этган фуқаро батафсил маълумот олишга интилади. Бунда ахборотдан фойдаланувчи нафақат давлат органларининг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, раҳбарияти, фуқароларнинг қабул қилиш тартиби ҳақида ахборот олади, балки мазкур давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи томонидан қабул қилинган норматив-ҳукукий ҳужжатлар, уларнинг матнлари, кўрсатилган хизматларнинг рўйхати, хизмат кўрсатиш тартиби, таҳлилий маълумотлар, ахборот тусидаги шарҳлар, ваколатига тааллуқли вазифаларнинг амалга оширилиши, шунингдек, ҳисобот давридаги фаолияти, режалари ҳақидаги маълумотлар, танловлар, аукционлар ва бошқа тадбирлар тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эга.

Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича хукукий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги Фармойишига мувофиқ, хукукий эксперимент субъектларига тегиш-

сайтларида фуқаролар билан қайта алоқа ривожланиши. Шундай қилиб, хукукий эксперимент ўтказиш жараёнида фуқаролар ҳамда давлат органлари ўзаро ахборот алмашувининг электрон базаси вуқудга келди. Самарқанд вилоят ҳокимлиги веб-сайтига бир ойда ўртача 12,5 минг кириш қайд этилган. Бу ўтган йилга нисбатан 1,8 мартаба кўпдир. Бухоро вилояти ҳокимлиги веб-сайтига кириш эса 1,4 мартаба ошди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларини ривожлантиришнинг яна бир муҳим аҳамиятга эга жиҳати шундаки, улар орқали фуқаролар интерактив давлат хизматларидан унумли фойдаланишлари мумкин. Агар сайтдан фойдаланувчи ўзини қизиктирган бирон-бир маълумотни топа олмаса, у сайт орқали мурожаат қилиш ёки сўров йўллаш имкониятига эга. Албатта, сўровлар ўрнатилган тартибда қайд этилиши ва расмийлаштирилиши лозим. Шунингдек, қонун лойиҳасида белгиланган мuddатларда уларга жавоб қайтарилиши қатъий белгилаб қўйилмоқда. Бундай нормалар Ўзбекистон ХДП электроратининг ижтимоий соҳага тааллуқли сўровларига жавоб олиш учун ҳам қатъий имконият яратди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жисмоний ва юридик шахслар, оммавий ахборот воситаларининг сўровлари асосида тегишли мuddатдан кечиктирмасдан оғзаки, ёзма шаклда ахборот тақдим этиш қонун лойиҳасида белгиланган давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган усуллардан яна биридир.

Мазкур усулни самарали амалга ошириш Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларини ҳаётга чуқурроқ таъбиқ этиш борасида қўшимча имконият яратди. Чунки фуқаро мурожаати ва сўровига давлат органлари берафқ бўлмаслиги, ўз вақтида жавоб қайтариши демократиянинг асосий тамойилларидан келиб чиқади.

Шу кунга қадар Бухоро вилоя-

Шу кунга қадар Бухоро вилояти ҳокимлигига 183 та, шаҳар, туман ҳокимликларига 316 та, қорхона ва ташкилотларга 1014 та, жами 1 513 та, Самарқанд вилояти бўйича жами 2836 та сўров келиб тушган ҳамда уларга қонун лойиҳасида белгиланган тартибда жавоблар қайтарилган.

ти ҳокимлигига 183 та, шаҳар, туман ҳокимликларига 316 та, қорхона ва ташкилотларга 1014 та, жами 1 513 та, Самарқанд вилояти бўйича жами 2836 та сўров келиб тушган ҳамда уларга қонун лойиҳасида белгиланган тартибда жавоблар қайтарилган.

Хукукий экспериментнинг асосий босқичи давомидида қонун лойиҳасида сўровларга жавоб қайтариш учун белгиланган мuddатлар юзасидан партиянинг электрорати томонидан хилма-хил фикрлар айтилмоқда. Масалан, шошилинч сўровларга тезда жавоб қайтариш ҳақида меъёр қиритиш таклиф этилмоқда. Олайлиқ, оммавий ахборот воситалари томонидан берилмайдиган шундай сўровлар бўладикки, уларга жавоб бериш учун белгиланган етти кун мuddат ахборотнинг эскириб қолишига олиб келади. Шундай ҳолатларни инобатга олиб, қонун лойиҳасида тезкорликни талаб қилувчи сўровлар тушунчасини кўрсатган ҳолда сўровга жавоб бериш мuddатларини қайта қўриб чиқиш юзасидан таклифлар ўртага ташлашмоқда.

Ахборот тайёрлаш ва тарқатиш, оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчилик билан ишлашда ахборот хизмати алоҳида ўрин эгаллайди. Ахборот хизматининг фаолияти тегишли идора ёки ташкилот этиш ҳақида аҳолини хабардор этиш, жамоатчилик фикрини шакллантиришдан иборатдир. Бундан ташқари, идоранинг матбуот билан муносабатларини ҳам ахборот хизмати йўлга қўяди. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳасида ахборот хизматларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мақсад ва вазифа-

лари акс эттирилган. Хукукий эксперимент ўтказиётган Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолиятида ўтган етти ой давомидида бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Биргина Бухоро вилояти мисолида таҳлил этадиган бўлсак, ҳудуддаги 89 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органида ахборот хизматлари ташкил этилиб, уларнинг моддий-техника базаси шакллантирилди, тегишли кадрлар бириктирилди.

Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган 91 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органида ахборот хизматлари ташкил этилиб, уларнинг моддий-техника базаси шакллантирилди, тегишли кадрлар бириктирилди.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши хукукий эксперимент ўтказиётган вилоятларда партиянинг фаоллари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг қонун лойиҳаси синовида фаол иштирокини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланмоқда. Шунингдек, хукукий эксперимент жараёнида вуқудга келган таклиф ва фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш ишлари олиб борилаётган. Бу эса қонун лойиҳаси нормаларини янада тақомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Дилбар ХОЛИҚОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.



Янги қорхона — янги иш ўринлари

Навоий вилояти-нинг Зарафшон шаҳрида фаолият бошлаган «Ризелли Зарафшон» хусусий қорхонаси аҳолига 12 турдаги сифатли трикотаж маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Жорий йилда Зарафшон шаҳрида фаолият бошлаган қарийб 30 та кичик бизнес субъекти қурилишбоп ва енгил саноат маҳсулотлари тайёрлаш ҳажмини сезиларли даражада оширишга эришди. Бу каби янги ишлаб чиқариш қорхоналарининг ташкил этилаётгани, мавжудларнинг модернизация қилинаётгани ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сифатини ошириш, аҳоли фаровонлиги ва бандлигини таъминлашда

муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Давлатимиз томонидан яратиб берилган шaroит ва қулайликлардан унумли фойдаланган ҳолда, ишлатилмасдан турган эски бинони қайта таъмирлаб, тикув цехи барпо этдик, — дейди «Ризелли Зарафшон» хусусий қорхонаси раҳбари Дийёр Исматов. — Қорхонамиз замонавий технологиялар билан жиҳозланган. 15 нафар аёл меҳнат қилаётган цех йилга 150 минг дона трикотаж маҳсулотини тайёрлаш қувватига эга. Маҳсулотларимиз сифати юқорилиги боис буюртма асосида иш олиб бормоқдамиз. Келгусида ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириб, янги иш ўринлари яратиш, маҳсулотимизни махсус бренд асосида экспортга йўналтиришни режалаштирганмиз.

Н.РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

Тошкентда Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган анъанавий Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада Жиззах вилоятдан ўндан зиёд қорхона ўз маҳсулотлари билан иштирок этади.

Ярмаркага тарадду

Турли ҳажмдаги полиэтилен қувурлар, коммунал, маиший соҳаларда ишлатиладиган буюмлар ишлаб чиқарадиган Жиззах шаҳридаги «Каттабек ХАҚ» масъулияти чекланган жамияти ана шулардан биридир. Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари учун яратилган кенг шaroит ва қулайликлар тўғрисида мазкур қорхона ҳам барқарор ривожланишга эришиб, ишлаб чиқариш ҳажмини тўрт баробарга оширди.

Тайёр маҳсулотларни сотиш, янги харидор ва ҳамкорлар топишда мамлакатимизда ўтказиладиган турли кўргазма ва ярмаркалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Жорий йилда ўтказиладиган Халқаро са-



ноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада саноат, қурилиш, коммунал соҳаларда қўлланиладиган бир неча турдаги янги маҳсулотларимиз билан иштирок этишни режалаштирганмиз, — дейди қорхона раҳбари Шухрат Маматкулов. — Бу маҳсулотимизга харидор ва хомашё етказиб берувчи янги ҳамкорлар топиш имконини беради.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

Тинчликни асраш

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти



Бугунги кунда «Фаол аёллар» қаноти хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

барчамиздан катта масъулият талаб этади

— Бугунги кунда халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, ер юзининг турли нуқта-ларда янги низо ўчоқларининг пайдо бўлиши жаҳон жамоатчилигида катта хавотир уйғотмоқда. — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Мастура Сайфиддинова. — Юртбошимиз Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданок нафақат мамлакат ичарисидида, балки «қўшнинг тинч — сен тинч», деган азалий ҳикматга амал қилиб келмоқда.

Мазкур рисолада билдирил-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ган фикрлар ҳар биримиздан бугунги тинч-осойишта кунларимизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш, шунингдек, жаҳонда юз бераётган нотинчликлар ва хатарлар сабабларини ўрганиб, улардан тегишли сабоқ чиқариб яшагга ундайди. Айнан ушбу масалада «Фаол аёллар» қаноти тарғибот ишларини изчил олиб бориши зарур, деб ўйлайман. Айниқса, ёшларимиз тарбиясини бузишга қаратилган ахборот хуружлари, маънавиятимизга ёт бўлган «оммавий маданият» ниқоби остидаги ҳаракатлардан фарзандларимизни асрашимиз керак.

— Партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ўз фаолиятида тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда, — деди ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси Ўрибосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходи-

ми, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Ҳаётхон Ортиқбоева.

— Тинчлик — бебаҳо неъмат, унга эришиш, уни сақлаб қолиш бугунги кун учун осон эмас. Давлатимиз мустақил тараққиёт йўлида дунёнинг ҳавасини тортаётган ютуқ ва марраларга эришмоқда. Юртимиздаги тинч ва осуда ҳаёт, тотувчи, ўзаро меҳр-оқибат, ҳам-жихатлик каби олжаноҳ фазилатлар бунга асос бўлаётганини юракдан ҳис қилиб турибмиз. Ҳар кун хотиржам ишга борамиз, яъни кайфият билан оиламиз бағрига қайтамыз. Давлатимиз раҳбарининг инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири бу мардана яшаш ҳуқуқидир, давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан қамолатлаб беришдан иборат, деган фикрлари бугун ҳаётимизда ўз тасдиғини топомқда.

Ваҳоланки, дунёнинг қанча

мамлакатда аёллар, оналар фарзандлари тақдирдан хавотирда яшайпти, қанча одам кечаси тинч ухлолмайди. Улар эртага нима бўлишини билмай яшайди.

— Юртбошимиз шу йил 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан аёлларимизга йўлаган байрам табригида Биз ҳаёт фалсафаси, маъно мазмуни ва гўзаллигини биринчи навбатда барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган муқаддас Она сиймосида, аёл тимсолида кўра-миз, аёл зотини Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси, деб улуғлаймиз, деб таъкидлади, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Гулшан Асатова. — Миллий қадриятларимизга, маънавиятимизга бўлаётган турли таҳдидлар, оила ва ёшлар тарбиясига ҳавф солмоқда. Бундай хуружларга қарши ёшларимизни ҳар томонлама соғлом, баркамол ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан етуқ қилиб тарбиялаш орқали курашиш керак, деб ўйлайман.

— Бугунги кунда «Фаол аёллар» қаноти хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. — деди Гулшан Асатова, ЎзХДП фаоли Сайоҳат Шаронова. — Жойларда ташкил этилаётган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларда ҳам бунга алоҳида эътибор берилмоқда. Турли ёт мафкура ва қарашлар зўрайиб бораётган ҳозирги замонда инсон онгу тафаккурини бузғунчи гоялар билан забт этишга бўлаётган ҳаракатларга қарши курашиш

